




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (56) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (56)

2023

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

ИЮНЬ

Received: 20.05.2023, Accepted: 30.05.2023, Published: 15.06.2023.

УДК 611-41+42

**МЕЪЁРДА 3-4-5- ОЙЛИК ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШЛАР ТАЛОҒИДАГИ ЛИМФОИД
ТЎҚИМАЛАРНИНГ ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Саидов Акмал Абдуллаевич <https://orcid.org/0009-0008-5191-2188>

Очилов Комил Рахимович Email: OchilovK@mail.ru

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

Талоқ – бу иммун тизим аъзоси ҳисобланиб, организмда юзага келадиган жуда кўпгина ҳолатларда иштирок этади. Мақолада тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, талоқ тўқимаси ўзининг функционал хусусиятлари билан бошқа аъзолардан ажралиб туради ва патофизиологик жараёнларни ниҳоясига етказиш вазибаларидан бирини бажаради. Бундай ҳолат беморларни даволашда дори воситаларидан энг самарали ва хавфсиз фойдаланиш имконини берадиган стратегияни ишлаб чиқишда керакли маълумотларни тайёрлаш имконини беради.

Калит сўзлар: морфология, морфометрия, лимфоид тузилма, талоқ.

**ИЗУЧЕНИЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК
РАЗВИТИЯ ЛИМФОИДНЫХ ТКАНЕЙ В СЕЛЕЗЕНКЕ БЕЛЫХ КРЫС 3-4-5 МЕСЯЦЕВ В
ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ В НОРМЕ**

Саидов Акмал Абдуллаевич <https://orcid.org/0009-0008-5191-2188>

Очилов Комил Рахимович Email: OchilovK@mail.ru

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

Селезенка считается главным звеном иммунной системы и участвует во многих ситуациях, происходящих в организме. Представленные в статье данные показывают, что ткань селезенки по своим функциональным характеристикам отличается от других органов и выполняет одну из задач купирования патофизиологических процессов. Такая ситуация позволяет подготовить необходимую информацию для разработки стратегии, позволяющей максимально эффективно и безопасно использовать лекарственные препараты при лечении больных.

Ключевые слова: морфология, морфометрия, лимфоидная структура, селезенка.

**STUDY OF THE MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC CHARACTERISTICS OF
DEVELOPMENT OF LYMPHOID TISSUES IN POSTNATAL ONTOGENESIS IN THE SPLEEN
OF 3-4-5- MONTH-OLD WHITE RATS IN NORMALITY**

Saidov Akmal Abdullaevich <https://orcid.org/0009-0008-5191-2188>

Ochilov Komil Rakhimovich Email: OchilovK@mail.ru

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Resume*

The spleen is considered a member of the immune system and is involved in many situations that occur in the body. The data presented in the article show that the spleen tissue differs from other organs by its functional characteristics and performs one of the tasks of terminating pathophysiological processes. Such a situation allows preparing the necessary information for the development of a strategy that allows the most effective and safe use of drugs in the treatment of patients.

Key words: morphology, morphometry, lymphoid structure, spleen.



Долзарблиги

Замонавий дунёда, бир томондан, аутоиммун касалликлар жуда кўпайиб кетаётганлиги, бошқа томондан эса, организмга жиддий зарар етказадиган жуда кўп микдордаги дори воситаларини ишлаб чиқарилиши катта хавф солиб келаётгани бу биз учун ҳозирги кунга келиб янгилик бўлмай қолди. Ҳозирги вақтга келиб полипрагмазия ятрогениянинг оқибатидан келиб чиқиб соғлиқни сақлаш тизимига жиддий муаммоси ҳисобланиб келаяпти, чунки у клиник жиҳатдан фармакотерапия самарадорлигининг пасайиши ва дори воситаларига жиддий салбий реакцияларнинг ривожланиши, шунингдек, соғлиқни сақлашдаги харажатларнинг сезиларли даражада ошиб кетаётгани билан намоён бўлмоқда. Айни ҳолатларни олдини олиш ёки уларни камайтириш чоралари кўрилмас экан, инсон организми турли хил заҳарланиш ва ятроген ҳолатлардан оғир азият чекиши, хаттоки ногирон бўлиб қолиш эҳтимоли кучайиб бормоқда. Бу ўринда талоқ аъзоси ва унинг организм учун муҳим вазифаларни бажариши, баъзан эса патологик, иммунпатологик ҳолатларга жавоб қайтариши мушкуллашиб ишдан чиқиб қолиши ҳолатларига олиб келиши камдан-кам ҳолатларда бўлса ҳам учраб турибди. Шу нуқтаи назардан биз ўз ишимизда талоқнинг функционал хусусиятларини яна бир бор тиббиёт ходимларига ва халқимиз онгига эслатиб ўтишни жоиз деб билдик ва ушбу аъзо ҳақида сўнги маълумотларни ўрганишга қарор қилдик.

Илмий тадқиқот мақсади: Ушбу илмий тадқиқотнинг мақсади меъёрда 3-4-5- ойлик оқ зотсиз каламушлар талоғидаги лимфоид тўқималарнинг постнатал онтогенезда ривожланишининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Материал ва усуллар

Текшириш давомида талоқ тўқималарини макроскопик ва микроскопик ўрганишларига асосланиб жами 20 та талоқ тўқимаси макроскопик ва морфологик ўрганиб чиқилди. Умумий морфология учун ҳар бир талоқдан 3 та бўлак, яъни олдинги соҳа, ўрта соҳа ва пастки қисмидан 1,5x1,5 см бўлақлар кесиб олиниб 10% ли нейтралланган формалинда қотирилди. Оқар сувда 2-4 соат ювилгандан сўнг концентрацияси ошиб борган спиртларда ва бензолда сувсизлантирилди, кейин парафин куйилиб, блоклар тайёрланди. Парафинли блоклардан 5-8 мкмли кесмалар тайёрланиб, гематоксилин ва эозинда бўялди.


Натижа ва таҳлиллар

Тузилиши бўйича талоқ тоқ орган, шакли чўзиқ конга тўлиб туриши туфайли тўқ қизил рангли бўлади. Уни ташқи томондан сероз парда ва зич фиброз капсула ўраб туради. Мана шу капсуладан талоқ ичига тўсиқлар - трабекулалар ўсиб киради. Трабекулалар талоқни унча яхши ифодаланмаган бўлакчаларга бўлади. Трабекулалар орасида оқ ва қизил пульпа бўлади.

Талоқнинг оқ пульпа лимфатик фолликула (Мальпиги танача)лардан иборат. Лимфоид фолликуланинг марказий қисми - унинг кўпайиш маркази, мантий-ёпқич ва маргинал-қирғоқ соҳалари тафовут қилинади. Марказий ва мантий саҳада В лимфоцитлар, В лимфобластлар, макрофаглар ва плазмоцитлардан иборат бўлиб, бу соҳани В зана дейилади. Маргинал соҳада Т ва И лимфоцит ва кам микдорда макрофаг бўлади. Лимфоцитлар лимфобластлар жойлашган. Оқ пулпага нисбатан эксцентрик жолашган Марказий артерия томирининг атрофи-периартериал соҳа: Т-лимфоцитлар, макрофаглар ва интердигитирловчи хужайралар бўладди.


Қизил пулпа ретикуляр стромаси, синусоид-кон томирлар ва шу синусоидлар орасида жойлашган талоқ тасмалардан иборат.

Талоқ тасмалари - В лимфоцитлар ва улардан ҳосил бўлган плазмоцитлардир. Қизил пулпанинг ретикуляр стромасида Макрофаглар (Моноцитлардан ҳосил бўлган) фагоцитозда иштирок этувчи хужайралардир яъни “Спленоцит”дир.




Расм 1. 3 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 4x10 ок.


Талоқ капсуласи – нозик эластик-бириктирувчи тўқима (1), оқ пулпа соҳаси: лимфа фолликула – реактив марказ (2), қизил пулпа соҳаси: талоқ синусоидлар ва тасмалари (3), периартериоляр лимфа қават (PALS) соҳа (4).




Расм 2. 3 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 4x20 ок. Талоқ капсуласи – нозик эластик-бириктирувчи тўқима (1), оқ пулпа соҳаси : лимфа фолликула – реактив марказ (2), қизил пулпа соҳаси : талоқ синусоидлар (3), талоқ тасмалари (Chordae lienalis) В-лимфоцит ва плазмоцитларга бой (4).




Расм 3. 3 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. (Қизил пулпанинг кўриниши.) Бўёқ Гем-эозин. об 10х20 ок. Периа̀ртиоля̀р лимфа қа̀ват (PALS) со̀ха (1), оқ пулпа со̀хаси : лимфа фо̀ликула – реактив марказ (2), қизил пулпа со̀хаси : талоқ синусоидлар (бўшлиги кенг, қонга бой) (3), талоқ тасмалари (Chordae lienalis) В-лимфоцит ва плазмоцитларга бой (4).




Расм 4. 3 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. (оқ пулпанинг кўриниши.) Бўёқ Гем-эозин. об 10х20 ок. Периа̀ртиоля̀р (марказий артериола) лимфа қа̀ват (PALS) со̀хаси Т лимфоцитларга бой (1), лимфа фо̀ликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –реактив марказ, В лимфоцитларга бой (2), мантий ва маргинал со̀ха (3), қизил пулпа со̀хаси : Талоқ синусоидлар (бўшлиги кенг , қонга бой) ва тасмалари (Chordae lienalis) В-лимфоцит ва плазмоцитларга бой (4).




Расм 5. 4 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликула – реактив марказ (1), қизил пулпа соҳаси : Талоқ синусоидлари (2), талоқ тасмалари (Chordae lienalis) В-лимфоцит ва плазмоцитларга бой (3).



Расм 6. 4 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Талоқ капсуласи – нозик эластик-бириктирувчи тўқима (1), оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ. В лимфоцитларга бой (2), қизил пулпа соҳаси : Талоқ синусоидлар ва тасмалари. (3), периартериоляр лимфа қават (PALS) соҳаси Т лимфоцитларга бой (4), коллаген ва эластик тодалар тутами-Талоқ трабекулалари (5).




Расм 7. 4 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. (Қизил пулпанинг кўриниши.) Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Қизил пулпа соҳаси : Талоқ синусоидлар (бўшлиги кенг , қонга бой) ва тасмалари (Chordae lienalis) В-лимфоцит ва плазмоцитларга бой (1), талоқ синусоидининг (sinus lienalis) кенгайиши, эритроцитларга бой (2), оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ. В лимфоцитларга бой (3), коллаген ва эластик толалар тутамаи-Талоқ трабекулалари (4).




Расм 8. 4 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. (Оқ ва қизил пулпа.) Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Периартериоляр лимфа қават (PALS) соҳаси Т лимфоцитларга бой (1), оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ. В лимфоцитларга бой (2), мантий ва

маргинал соҳа (3), қизил пулпа соҳа: талоқ тасмаларда (*Chordae lienalis*) В-лимфоцитларнинг гиперплазияси, плазмоцит хужайралар, талоқ синусоидининг (*sinus lienalis*) кенгайиши, эритроцитларга бойлиги кўринади (4).




Расм 9. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. периартериоляр лимфа қават (PALS) соҳаси Т лимфоцитларга бой (1),

оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўнайиш маркази –Реактив марказ. В лимфоцитларга бой (2), талоқ капсуласи – нозик эластик-бириктирувчи тўқима (3), қизил пулпа соҳа: талоқ тасмалада (*Chordae lienalis*) В-лимфоцитлар, плазмоцитлар ва синусоидлар (*sinus lienalis*) эритроцитларга бой (4).




Расм 10. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Периартериоляр (марказий артерия) лимфа қават (PALS) соҳаси Т лимфоцитларга бой (1), оқ

пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ. В лимфоцитларга бой (2), қизил пулпа соҳа: талоқ тасмалада (Chordae lienalis) В-лимфоцитлар, плазмоцитлар ва (3) талоқ синусоидлар (sinus lienalis) эритроцитларга бой (4).



Расм 11. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ.Мантий ва маргинал соҳалари (1), коллаген ва эластик толалар тутами-Талоқ трабекулалари (2), қизил пулпа соҳа: талоқ тасмалада (Chordae lienalis) В-лимфоцитлар, плазмоцитлар ва (3) талоқ синусоидлар (sinus lienalis) эритроцитларга бой (4).



Расм 12. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик ва морфометрик тузилиши. Бўёқ Гем-эозин . об 10x20 ок. Оқ пулпа соҳаси : Лимфа фолликуланинг марказий қисми ёки кўпайиш маркази –Реактив марказ. Мантий ва маргинал соҳалари (1), коллаген ва эластик

толалар тутами-Талоқ трабекулалари (2), қизил пулпа соҳа: талоқ тасмалада (*Chordae lienalis*) В-лимфоцитлар, плазмоцитлар (3), талоқ капсуласи (Ўлчами билан) – нозик эластик-бириктирувчи тўқима (4).

Хулоса

Талоқ иммун химоя системасининг периферик аъзоси бўлиб, организмда бир қанча муҳим вазифаларни бажаради.

1. Қон яратувчи ва химоя вазифаси. Талоқда Т- ва В-лимфоцитларнинг кўпайиши ҳамда уларнинг микромуҳит хужайралари билан ҳамкорликдаги фаолияти кузатилади. Шу туфайли талоқ хужайравий ва гуморал иммунитетда актив иштирок этади. Бундан ташқари, талоқда ёт заррачалар ушланиб қолиб, макрофаглар томонидан емирилади.

2. Гемопоез иштироки. Эмбрион тараққиёти давомида талоқда гранулоцитлар, эритроцитлар ва қон пластинкалари ҳам ҳосил бўлади. Аммо бу жараён ҳомила туғилиши пайтига келиб йўқолиб кетади.

3. Эритроцитларни парчалаш. Талоқда яшаш муддатини ўтаган эритроцитлар ва қон пластинкалари емирилади. Ҳалок бўлган эритроцитлар макрофаглар томонидан ютулиб, улардаги гемоглабин парчаланadi. Натижада, ўзида темир сақловчи трансферрин ва билирубин моддалари ҳосил бўлади. Биллирубин қон орқали жигарга бориб, у ерда ўт таркибига қўшилади. Трансферрин эса суяк кўмигига келиб, янги ҳосил бўлаётган эритроцитларда гемоглабин синтези учун ишлатилади. Талоқнинг эритроцитларни емириш хусусияти уни эритроцитлар “Мозори” дейилишига сабаб бўлган.

4. Эритропоез ва тромбоцитопоез жараёнларга фаол иштироки. Талоқда бир қанча биологик актив моддалар ишланиб, улар қизил суяк кўмигида кечадиган талоқнинг бу фаолияти жуда кучайиб кетса, қонда эритроцитлар ва тромбоцитлар миқдори камайиб кетади.

5. Талоқ қон депоси – яъний талоқда маълум миқдорда қон сақланиб туради ва зарур бўлганда қон айланиш доирасига чиқарилади.

6. Талоқ олиб ташланганда (спленэктомия) организмнинг химоя қобилияти сусаяди. Талоқ тараққиёти: эмбрион тараққиётининг 3-5 ойларида артериялар атрофида даставвал Т-лимфоцитлар тўпланади (Т-зона ёки периартериал зона). Сўнгра бу ерда В-лимфоцитлар ҳам тўпланиб, талоқнинг оқ пульпаси ҳосил бўлади. Улар орасидаги ретикуляр тўқима йирик синусоид қон томирлар билан биргаликда қизил пульпани ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

7. Саноев Б.А., Ниёзова Г.Ш., Хикматова Н.И. Макро и микроскопические проявления лейомиомы матки. *Новый день в медицине*, (2020):526-528.
8. Саноев Б.А., Рахматов А.А., Олимова А.З. «Цитологический скрининг заболеваний шейки матки: ПАП- тест исследования в Бухарском областном диагностическом центре за период 2015-2019 годы.» *Новый день в медицине*. (2020) 3(31).
9. Sanoev B.A.*, Israilov R.I. and Djuraeva G.B. Quantitative indicators and methods for modeling structural units in placental insufficiency. *World Journal of Pharmaceutical Research*. Volume 9, Issue 12, 37-47. Accepted on 20 Sept. (2020). DOI: 10.20959/wjpr202012-18776.
10. Abdulloyevich S. A. Changes in the morphometric state of the lymphoid tissue of the spleen *Research Jet Journal of Analysis and Inventions*. (2022) 3(1):157-165.
11. Abdulloyevich S.A., Abdulloyevna S.L. To establish the morphofunctional features of changes in the cellular composition of the lymphoid tissue of the spleen *Research Jet Journal of Analysis and Inventions*. (2022) 3(1):104-111.
12. Abdulloyevich S.A. Changes in the morphometric state of the lymphoid tissue of the spleen *Research Jet Journal of Analysis and Inventions*. (2022) 3(1):1-9.
13. Abdulloyevich S.A., Abdulloyevna S.L. To establish the morphofunctional features of changes in the cellular composition of the lymphoid tissue of the spleen *Research Jet Journal of Analysis and Inventions*. (2022) 3(1):1-8.
14. Zokirovna O.A. Comparative characteristics of the morphological parameters of the liver at different periods of traumatic brain injury *Euro-Asia Conferences*. (2021):139-142.
15. Zokirovna O.A. Macroand microscopic structure of the liver of threemonthly white rats *Academic research in educational sciences*. (2021) 2(9):309-312.

16. Олимова А.З. Частота Встречаемости Миомы Матки У Женщин В Репродуктивном Возрасте *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*. (2021) 1(6):551-556.
17. Zokirovna O.A., Abdurasulovich S.B. Ovarian Diseases in Age of Reproductive Women: Dermoid Cyst *Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*. (2021) 1(6):154-161.
18. Олимова А.З., Шодиев У.М. Репродуктив ёшдаги эркакларда бепуштлик сабаблари: бухоро тумани эпидемиологияси *Scientific progress*. (2021) 2(7):499-502.
19. Zokirovna O.A. Cytological screening of cervical diseases: pap test research in the bukhara regional diagnostic center for the period 2015-2019 *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. (2022) 3(7):121-128.
20. Zokirovna O.A., Matyokubovna R.M. Prevalence and epidemiology of cancer of the oral cavity and throat in the bukhara region *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. – (2022) 3(11):545-550.
21. Olimova A.Z. Echinococcosis of liver of three monthly white rat. *Scientific progress*. (2022) 3(3):462-466.
22. Olimova A.Z. The frequency of occurrence of my uterus In women of reproductive age *Journal of advanced research and stability (JARS)*. (2021) 1(6):551-556.
23. Olimova A.Z., Abdurasulovich S.B. Ovarian diseases IN women OF reproductive age: dermoid cyst (2020) 1:154-161.
24. Zokirovna O.A. Morphological features of fibro-cystous mastopathy *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. (2022) 3(6):926-932.
25. Aziza Zokirovna Olimova Gastric ulcer and its complications *Scientific progress*. (2022):3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gastric-ulcer-and-its-complications> (дата обращения: 04.06.2023).

Қабул қилинган сана 20.05.2023